

## II. САНОАТ


Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жihatдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2017 йилнинг январь–декабрь ойларида 9 612,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 3 571,4 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь–декабрь ҳолатига нисбатан 101,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1 393,3 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 33,6 млрд. сўмлик ароқ-вино ва пиво маҳсулотлари, 2 144,6 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь–декабрь ҳолатига нисбатан мос равишда 100,8 фоиз, 105,6 ва 101,0 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь–декабрь ойларида 93,4 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш


Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилишига қарамасдан, кичик бизнес томонидан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 4,0 фоизга камайди. Жами sanoatда кичик бизнеснинг улуши 41,4 фоизни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига)**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоизда</i>
<b>Ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажми</b>	<b>9 612,7</b>	<b>104,3</b>
<b>Тоғ-кон sanoati ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>346,1</b>	<b>112,2</b>
<i>улардан:</i>		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш	346,1	112,2
<b>Қайта ишлаш sanoati</b>	<b>8 619,2</b>	<b>103,7</b>
<i>ундан:</i>		
озик-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1 600,9	101,5
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2 809,1	101,1
ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	108,8	118,4
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	10,2	105,5
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 473,9	100,3
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	925,7	97,1

	млрд.сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоизда
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	2,4	108,6
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	4 733,5	104,8
металлургия саноати	29,5	108,0
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>597,6</b>	<b>107,2</b>
<b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>49,8</b>	<b>110,7</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>3 571,4</b>	<b>101,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	1 426,8	100,9
ноозик-овқат товарлари	2 144,6	101,0

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти  
турларини ишлаб чиқариш  
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь- декабрь	2016 йил январь- декабрга нисбатан %
<b>Минерал ўғитлар:</b>			
Мочевина (карбамид)	МИНГ ТН. азотга	151,3	85,6
Аммоний нитрат (аммонийли селитра)	МИНГ ТН. азотга	122,8	81,0
Суперфосфатлар	МИНГ ТН. P2O5	14,1	99,1
Таркибида иккита таъминловчи элемент - азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	МИНГ ТН.	63,2	128,2
Портландцемент	МИНГ ТН.	1 011,1	94,8
Цемент клинкерлари	МИНГ ТН.	843,2	94,9
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	ТН.	19 819	149,9
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	МИНГ Л.	28 565	102,3
Ароқ	МИНГ Л. 100% спирт	1 507	100,0
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	МИНГ Л. 100% спирт	1 714	99,0
Узум виноси	МИНГ Л.	54	100,0
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	МИНГ ТН.	138,0	102,3
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	ТН.	7 813,7	106,5
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	ТН.	2 943,8	98,0
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	ТН.	16 126,0	91,4
Чакана савдо учун қадокланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	ТН.	95 267,0	104,3

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2017 йил январь- декабрь</i>	<i>2016 йил январь- декабрга нисбатан %</i>
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	тн.	920,2	100,3
Иш кийими	минг дона	1565,5	114,4
Пахта толаси	минг тн.	66,8	93,4
Пахта чигити	минг тн.	7,7	90,8
Пахта тивити (линт)	тн.	5016	86,5
Шишадан бутилкалар, банкалар, флаконлар ва бошқа идишлар (ампуладан ташқари); шишадан тиқин, қопқоқ ва бошқа тиқинлаш воситалари	млн. дона	164,9	94,2
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	813,2	99,0